

МАТТИЕВ И. Б.

“HEALTH CARE” ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада жамият олдига ижро учун қўйилган давлат аҳамиятига молик устувор вазифалардан бири ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзи ва атрофидагилар саломатлигини асрашга йўналтирилган тафаккурини шакллантириши, фарзандлар ёшлигиданоқ “health care” ни қадрият сифатида англаб олиши зарурлиги ҳақида фикр юритилади. Мазкур долзарб педагогик муаммонинг илмий-назарий англаниши ва педагогик тажрибадан ўтказилишининг ўзига хос педагогик шарт ва шароитлари мавжуд.

Калит сўзлар: таҳдид, ижтимоий, сиёсий, тараққиёт, шакллантириш, миллий, мазмун, саломатлик, мезонлар, қадриятлар, соғлом турмуш тарзи, қонуниятлар, эҳтиёж.

ОБЩЕСТВЕННО – ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МЫШЛЕНИЯ С ПОМОЩЬЮ “HEALTH CARE”

Аннотация: В данной статье анализируется ценность “health care”, которую надо воспитывать с детства, также идёт речь о формировании здорового образа подрастающего поколения, окружающей среды, которое является одним из приоритетных направлений государственной политики. Такая актуальная, педагогическая проблема решается на основе научно-теоретических исследований и педагогических экспериментов для этого созданы все педагогические условия

Ключевые слова: угроза, общественный, политический, прогресс, формирование, национальный, суть, здоровье, критерии, ценности, здоровый образ жизни, законы, потребность.

SOCIAL AND PEDAGOGICAL NEEDS FOR IMPROVEMENT OF THE HEALTH CARE

Annotation: This article argues that one of the state's top priorities for society is to build a younger generation's vision for the health of themselves and those around them, and that children should understand health care as a value from an early age. The scientific and theoretical understanding and pedagogical experience of this urgent pedagogical problem has its own pedagogical conditions and conditions.

Keywords: Threat, Social, Political, Development, Formation, National, Content, Health, Criteria, Values, Healthy Lifestyles, Laws, Needs.

Бугунги даврда инсон саломатлиги ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан бирига айланган. Чунки инсон саломатлигига таҳдидлар кучаймоқда. Инсон саломатлигини асраш бугунги кунда нафақат айни бир инсон вазифаси ва мажбурияти, балки давлат сиёсатида дахлдор бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий вазифа ва мажбуриятга айланган. Дунё

миқёсида барча давлатлар ўз фуқароларининг саломатлигини муҳофаза қилиш тизимлари, инфраструктураси, саломатликни муҳофаза қилиш бўйича тарбия институтларига эга бўлмоқлари, улар фаолиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқлари шарт бўлиб бормоқда. Жамиятнинг бугунги тараққиёти ҳар томонлама соғлом бўлган “инсон капитали” га жуда катта эҳтиёж ва муҳтожлик сезмоқда, айнан мана шундай инсонгина мамлакатлар ривожини таъминлаб бера олиш лаёқатига эгаллиги уқтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида саломатликни асраш “health care” тафаккури истилоҳи ва унинг илмий дифинициясини, истилоҳнинг илмий-педагогик мазмунини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бинобарин, мазкур масаланинг долзарблигини англашда муҳим бўлган жиҳатлардан бири – нима учун саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” тафаккурини шакллантириш зарур, унинг заруриятини юзага келтираётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда педагогик-психологик шарт-шароитлар “қандай”? деган саволга жавоб топиш ҳисобланади. Бизнинг воқелигимиз учун “health care” тафаккурини жорий этиш ва мазкур ғояни қабул қилишнинг ижтимоий ва индивидуал имкониятлари мавжуд. Мазкур тафаккур бизнинг миллий менталитетимиз ва ижтимоий воқелигимизга мос келади қолаверса, бизнинг бугунги талабларимиз ва эҳтиёжларимизга жавоб беради.

Бизнинг мамлакатимизда саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” тафаккурини талабаларда шакллантиришнинг *ижтимоий-сиёсий* ва *педагогик-психологик* омиллари мавжуд.

“Health care” ўз мазмунига саломатлик мезонлари, кадриятларини, соғлом турмуш тарзи қонуниятлари, соғлом тафаккур ва онг масалаларини, инсон саломатлигига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва ҳолатлар, уларнинг салбий оқибатларини, фавқулодда ҳолат ва вазиятлардан ўзини асраш малакаларини, соғлом турмуш маданияти ва унинг тартибларини, экологик танг вазиятлардан муҳофазаланганлик, саломатликни инсон, шахс, индивид ва айниқса, энг юқори малакали мутахассиснинг касбий лаёқати деб англашни мужассам этиб, уларни узвий бирлаштириб, яхлит ҳолда ўз мазмунига қамраб

олади. Бизнинг анъанавий саломатлик ҳақидаги тушунчаларимиздан саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” педагогикасининг бош фарқи шундаки, унда бевосита инсонни ўзи ва атрофидагилар саломатлигини асраш учун қандай қилиб, қай тарзда, қандай билим, кўникма ва малакаларга таяниб амалий фаолият кўрсатиш зарур деган масалага ўргатилади. Чунки агар инсоннинг ўзини, ўз саломатлигини асрашга йўналтирилган тафаккурини шакллантирмасак, саломатлик тузилмалари, унинг замонавий инфраструктуралари яратилганлиги билан биз педагогик мақсадга яқинлашмаймиз. Инсон саломатлигини асрашнинг энг қисқа ва самарали йўли – мана шу инсонни ўз саломатлигини асрашга йўналтирилган тафаккурини шакллантиришдир.

Демак, саломатликни асрашга йўналтирилган педагогика “health care” саломатлик борасидаги шаклланиб бўлган тафаккур, онг, маданиятни соғлом турмуш тарзига айлантириш механизми ҳисобланади. Бинобарин, жамият олдига ижро учун қўйилган давлат аҳамиятига молик устувор вазифалардан бири ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзи ва атрофидагилар саломатлигини асрашга йўналтирилган тафаккурини шакллантиришдир. Фарзанд ёшлигиданоқ “health care” ни қадрият сифатида англаб олиши зарур. Мазкур долзарб педагогик муаммонинг илмий-назарий англаниши ва педагогик тажрибадан ўтказилишининг ўзига хос педагогик шарт ва шароитлари мавжуд. Улар:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида соғлом авлод тарбияси ва соғлом турмуш маданиятини шакллантириш давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири сифатида эътироф этилганлиги боис, мазкур вазифани амалга ошириш учун педагогик шарт-шароит пишиб этилган ва қулай ҳисобланади. Давлат мана шундай ишларнинг амалга оширилишидан манфаатдор бўғин ҳисобланади. Шу боис, мазкур масаланинг илмий-назарий ўрганилиши ва ҳаётга татбиқ этилишида муаммолар мавжуд бўлмайди. Чунки соғлом турмуш тафаккурини шакллантириш масаласи давлат аҳамиятига молик вазифалар қаторидан ўрин олади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда ўтказилган “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби спорт ва жисмоний тарбияни рағбатлантириш фаолияти мамлакатнинг турли ҳудудларида ёшлар учун қурилган соғлом турмуш инфратузилмаларининг мавжудлигидан далолат беради. Демак, педагогик фаолиятнинг бугунги ва истиқболдаги долзарб вазифаларидан бири-мана шу мавжуд инфратузилма имкониятларини талабаларда соғлом турмуш тафаккурини шакллантириш ва унинг замонавий интерфаол усулларини ишлаб чиқиш учун ишлатишдир.

Учинчидан, бугунги кунда талабаларнинг ўзида саломатлик ва соғлом турмуш маданияти, соғлом турмуш тарзи бўйича маълум фикрлар, қарашлар ва тафаккур мавжуд бўлиб, уларнинг мавжудлиги талабаларда соғлом турмуш тафаккурини шакллантириш учун қулай ижтимоий-психологик ва педагогик шарт-шароитнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради. Яъни, ёшларда ҳам соғлом бўлиш истаги жуда кучли. Шундан фойдаланган ҳолда ёшларнинг ўзини мана шу фаолиятни тўғри, уларнинг талаблари даражасида амалга ошириш учун интерфаол усуллар билан қуроллантириш зарур.

Аслида, саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” педагогик технологиялари – педагогик муҳит ва жараёни индивидлар саломатлигини асрашга йўналтириш мақсади асосида мувофиқ шакллар, воситалар ва усуллар, технологиялар билан таъминлаш бўлиб, уларнинг мақсадли яхлит тизими, мажмуасини яратиш ва амалиётга жорий этиш шарт-шароитларини ўрганиш асосида индивидлар тафаккурида саломатликни асраш тафаккурини шакллантиришдир. Бинобарин, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” тафаккурини шакллантиришнинг педагогик технологиясини яратиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан саналади.

Тадқиқотда қуйидаги вазифаларни:

жаҳон миқёсида “health care” тушунчасига доир ижтимоий-педагогик карашларни ўрганиш, унинг илмий дефинициясини, дидактик, акмеологик, аксиологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаш;

“health care” тафаккурини шакллантиришга доир илғор хорижий тажрибаларни қиёсий-типологик ўрганиш, хусусан, уни таълим жараёнига татбиқ этиш шарт-шароитларини белгилаш;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида “health care” тафаккурини шакллантиришнинг интерфаол ўқитиш методлари, инновацион технологиялар воситасида таълим жараёнининг интеграциялашган методик стратегиясини яратиш ва тизимини такомиллаштириш;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида “health care” тафаккурини инновацион мазмунда шакллантиришнинг экспериментал даражаси ва самарадорлигини белгилаш;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида “health care” тафаккурини шакллантиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Чунки замонавий жамиятда талабаларнинг соғлом турмуш тарзи, саломатликни асраш тафаккури ва маданиятини ривожлантиришга бўлган талабнинг ортаётганлиги билан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда инсон саломатлигини муҳофаза қилишга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги;

соғлом турмуш тарзи борасида кенг кўламли тарғибот ишларининг амалга оширилаётганлигига қарамасдан талабалар саломатлик даражасининг пасайиб бораётганлиги;

талабаларни соғлом турмуш тарзига риоя қилишга ўргатиш заруриятининг мавжудлиги билан уларда соғломлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технологиялар ишлаб чиқилмаганлиги;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида соғломлик ақидалари ва меъёрларини шакллантиришда индивидуализация ва дифференциация тамойилларини қўллаш лозимлиги, аммо саломатликни асраш йўналиши

бўйича узлуксизликни таъминловчи илмий асосланган амалий педагогик чоратadbирлар тизими мавжуд эмаслиги ва шу кабиларни амалга ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абаскалова Н. П. Системный подход в формировании здорового образа жизни субъектов образовательного процесса: Дис. ... докт. пед. наук. - Новосибирск :2001. – 367 с.
2. Баситханова И., Бакиева Г., Мусурмонова О, Шарипова Д., Жамолдинова О. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш – фуқаролик жамиятини барпо этиш омили. Методик қўлланма. – Тошкент: Kvinta Print, 2011. – 200 б.
3. Глебова Е.И. Здоровьесбережение как средство повышения эффективности обучения студентов вуза: Дис. канд. пед. наук.– Екатеринбург: 2005. – 182 с.
4. Кошбахтиев И.А. Валеология асослари. Дарслик. –Т.: ЎзДЖТИ. 2005. – 251 с.
5. Матчонов И. Соғлом турмуш тарзини ривожлантиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўрни: Автореф. диспед.фан.номз. – Т., 2011. – 21 б.